## Ҳар соҳанинг ўз салоҳияти бор

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

# МУСАЖОН КЕТМОН— БОБОДЕҲҚОН



Меҳнат фаолиятини бундан эллик йил илгари кетмончиликдан бошлаган Мусажон Шербўтаев шу ярим аср давомида меҳнатнинг жами оғир-енгилию нашъасини тортди, ҳаётнинг борлиқ пасту баландликларини кўриб улғайди, қишлоқ жамияти хизматининг барча поғоналарини босиб ўтиб, Бободеҳқон балоғатига етди.

Мусажон Шербўтаев билан ҳар учрашганимда бир янгилик кашф қилаётгани устидан чиқаман, ҳар гал суҳбатлашганимда ажиб ва муҳим фикрлар билан бойиб қайтаман. Сирасини айтганда, Мусажон Шербўтаев ҳам кашфиётчи, ҳам ташкилотчи, ҳам фикрловчи бободеҳқон, моҳир раҳбар ва халқчил арбобдир. Ишни ҳам биладиган, гапни ҳам биладиган нотиқлигини айтмайсизми!

Ўн уч ёшида қўлига кетмон ушлаб далага чиққан жажжи йигитчани ҳамқишлоқлари ҳавас биланми, ҳазиллашибми ёки Абдулла Қодирийнинг адабий қаҳрамони Обид кетмонга ўхшатмоқчи бўлибми, «Мусажон кетмон» деб атаган эдилар. Баъзи кўзларга унинг елкасидаги кетмони ўзидан катта бўлиб кўринар, катталардан кейинда қолмасликка уринган ўсмирнинг оғир кетмон остида эзилиб кетмасин, деб унга раҳми келувчилар ҳам кўп эди. Бироқ Мусажон ўз кетмони билан нон топиб ейишдан мароқланиб астойдил ишларди.

Тез орада меҳнатнинг қадрига етиб қолган «Мусажон кетмон»ни деҳқонлар табелчиси, звено бошлиғи, кейин пахтачилик бригадири этиб тайинладилар. Табелчиликда ҳақгўй, ҳаққоний ҳисоб юритган, бригадирликда донг чиқарган Мусажонни йигит ва қизлар ўз комсомол-ёшлар ташкилотига бошлиқ қилиб сайладилар. Бу ишда унинг ташкилотчилик фаолияти чархланди, раҳбарликка хос хислатлар кўзга ташланди. Ана шундан кейин «Коммунизм» деб аталмиш жамоа хўжалиги фирқа аъзолари умумий йиғилишида «йўқ» деганига қарамай фирқа ташкилоти раҳбари этиб сайладилар.

Шу орада кўп иш билиб, одам таниб, оқ билан қорани ажратиб олган Мусажон жамоа аъзоларини ҳалолликка, раҳбарларини эса адолатли бўлишга чорлади. Кўпчилик колхозларда анчайин фирқа котиблари «раиснинг дастёри» бўлиб қолган эдилар. Мусажон тўғрисида эса бошқача гап юрарди: унинг иш услуби довруғи ўша вақтда жумҳурият фирқа Марказқўмининг биринчи котиби сифатида иш бошлаган Шароф Рашидовга ҳам етиб келганди. Ташаббускорларни қадрлай биладиган Шароф Рашидов Қувага — «Коммунизм» колхозига келди. Жамоа хўжалигининг атоқли раҳбари Қўзи Рўзи вафотидан кейин катта-кичик жами одамлар Мусажонга суяниб қолгани, ҳамма унинг гапини маъқуллаб орқасидан эргашаётганига ишонди.

Ана шундан кейин «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзолари бир оғиздан «Мусажонни раис қиламиз» дедилар. У одамлар билан тил топиб ишлашни ўрганган эди. Раисликнинг юки бошқачароқ, мураккаброқ эканини сездида, Мусажон яна ўша қадрдон бўлиб қолган одамларга маслаҳат солди. Улар маслаҳатига жон-дили билан амал қилди. Бирор ишни бемаслаҳат амалга оширмади. Оқибати зўр бўлишини билиб кўриб турган ишларини ҳам ўртага ташлади. «Кенгашли тўй тарқамас» деганларидай кўпчилик маъқуллаган катта ишлар режадагидай йўналиш олди.

Катта рўзғорни бошқариш Мусажон учун осон бўлмади. Кетмонлаб даромад олиб, қирғичда қириб сарфлади. Ер оз эди — кўпайтириш учун тошлоқ жойлардан янги ер очишга тўғри келди. Ҳайдов тракторлари етишмасди — елиб-югуриб колхозни механизациялаштирди. Ободончилик ҳам унутилмади. Қишлоқда данғиллама клуб биноси қурилди ва аҳоли ҳар оқшом тўпланиб гоҳ кино, гоҳ концерт, гоҳ анжуманда иштирок этадиган бўлди. Шундай қилиб тарқоқ қишлоқлар, қўрғончалар аҳолиси бир жамоага қовушди-қолди. Аҳил бўлган жамоа билан катта ишлар қилиш осонлашди. Тез орада хўжалик Қувадагина эмас, бутун Фарғона вилоятида оғизга тушди. Ҳосилдорлик жиҳатидан Қувада илғор, раиси тажрибакор. Ўша кезларда Шароф Рашидов яна Қувага келди. Туман раҳбарини ўзгартириш лозим бўлиб қолганди. «Кимни сайлаймиз?» деган саволга Шароф Рашидов «Муносиб номзод» ўзларингизда етилган, узоқдан қидириб юрманглар» деди. Бу номзод Мусажон Шербўтаев эди.

Шербўтаев Қува тумани фирқа қўмитасига биринчи котиб, яъни ўша вақтдаги бош раҳбар лавозимида ишни «Коммунизм»да орттирган тажрибаси асосида бошлади. «Раҳбарликни ишлаб чиқариш жойига кўчирамиз», деди янги котиб бюро аъзоларига. Ўша кундан эътиборан одамларни марказга тўплаб кечаси билан бюро қилишлар тўхтатилди. Райком одамлар орасида, колхоз, бригада, звеноларда иш кўрадиган бўлди. Райкомга ариза кўтариб келадиганлар ҳам камайди.

Бир вақтлар Асакага кўчириб кетилган ёғ заводи, ун заводи, тим ва бошқа ишхоналар вайронлари ўрнига янги артеллар, мебель комбинати, ун заводи тикланди. Бундай қурилишларнинг дастлабки пойдеворига Шароф Рашидов ўз қўли билан ғишт қўйди ва тантанали очилиш лентасини қирқди.

Шербўтаев раҳбарлигидаги Қува ҳар жиҳатдан юксала борди, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида ҳар йили Қува медаль ва катта мукофотлар олиб турди. Шунинг учун унинг эл олдида обрўси ошди. Қуваликлар уни СССР Олий Кенгашига ноиб қилиб сайладилар. Ноибликда ҳам Шербўтаев сайловчилар орасида юриб ҳақиқий халқ хизматкори бўлди.

Қувада ишлар йилдан-йилга чаққон юришиб, юксалиб бораётган кезларда жумҳуриятимизда нохушликлар бошланиб, ноҳақликлар кўпайиб, Мусажон Шербўтаевдай ҳалол раҳбарларга тош ота бошланган вақтда у райком биринчи котиблиги лавозимидан бўшатишларини сўраб ариза берди. Ўзи оғир бемор эди. Икки-уч бор жарроҳлар тиғидан зўрға омон қолгани учун катта ишларга қуввати етмай қолгандай эди. Шундай бўлса-да, қадрдон ҳамқишлоқларининг талабига рози бўлиб, «Коммунизм» жамоа хўжалиги раислигини қабул қилди.

Тиним билмас Мусажон жонажон қишлоғига қайтгач, анча заифлашиб қолган жамоа хўжалигини қайта тиклашга киришди. У «энди янгича иш бошлаймиз» деди. Янгича иш эса ишбай, яъни меҳнатига яраша ва иш натижасига қараб ҳақ тўлаш эди. Бу усул ҳамманинг иқтисодий манфаатдорлигини оширди. Биринчи йилдаёқ ҳосилдорлик гектарига 2 центнерданга кўпайди. Аъзоларнинг даромади ошди.

— Ҳар бир келинни янги қурилган алоҳида уйга туширайлик! — деди Шербўтаев.

Ҳар бир хонадонда 4—5 оила яшар эди. Уларга уй-жой зарур. Уни қуриш учун эса ёғоч-тахта, ғишт керак. Иложи топилди: адирлар тераксзор қилинди, текис жойларда юз гектарлик мевазор яратилди. Қурилиш бригадалари учун тахта-ёғочни хўжалик ёғоч комбинати тайёрлаб берадиган бўлди. Ғишт заводидан чиққан пишиқ ғишт ва хом ғишт қурувчига арзон-гаров сотилди.

Ҳозир «Гулистон» номи билан аталган бу жамоа хўжалигида учта янги қишлоқ қурилди, янги келинлар янги қурилган уйларга туширилмоқда. Шербўтаев ташаббуси билан Бекат қишлоғида қурилган универмаг янги рўзғор қураётган деҳқон оилаларига ярашуғлик уй анжомлари, Қува мебель комбинати чиқараётган чиройли мебелларни арзон нархда сотиб, уйларини шинам қилиб безатиб бермоқда.

Бозор иқтисодиёти ҳақида эндигина гап чиққан кунлари эди. Қувага борсам «Шербўтаев бозор қуряпти» дейишди. Бекатда деҳқонлар ортиқча мева-чевасини сотиб, кераклигини оладиган бозорча, атторлик, баққоллик дўконлари қурилибди. Эркаклар ва аёллар учун алоҳида ҳаммомлар ишга тушибди. Аёллар ҳаммомида кир ювиб, қуритиб, дазмоллайдиган хоналар мавжуд. Деҳқон аёллар учун жуда қулай.

Ўтган йили ҳаж қилиб келган Мусажон ҳожи Шербўтаев Маккадан келибоқ бекатда катта ёғ заводи қурилишини бошлаб юборди. Кузакда борганимда мен уни инженер-техниклар орасидан, қурилиш майдонидан топдим.

— Келаси йили қишлоғимиз мой-мўл бўлади, — деди у.

«Гулистон» жамоа хўжалиги аъзолари ўз одамохун раҳбарларининг меҳнат фаолиятига ярим аср тўлганлигини кенг нишонламоқдалар. Бободеҳқон Мусажон Шербўтаевнинг ўзига хос ва хизматига мос тўйини биз ҳам қутлаймиз.

# ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ишнинг кўзини билиб ишлайдиган тадбиркорлар жамоага кўпроқ наф келтиради. Буни тажриба яққол кўрсатди. Одилжон Қўқонов ана шундай ишбилармон мутахассислардан. У Дўстлик районлараро нефть маҳсулотлари корхонасида раҳбар бўлиб ишлайди.

Таъминотчи ташкилотлар билан иқтисодий алоқалар издан чиқиб, ёнилғининг нархи ғоят кўтарилиб кетгач бу корхона шартномада қайд этилган маҳсулотларнинг ярмини ҳам олмай қолди. Ана шунда тадбиркор кишиларнинг ишбилармонлиги асқотди.

...Дўстлик районлараро нефть маҳсулотлари корхонаси Арнасой, Мирзачўл, Дўстлик, Фориш районларига мой ва ёнилғи етказиб бериб корхона, ташкилот, давлат ва жамоа хўжаликларида барча транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги машиналарини узлуксиз ишлашини таъминлайди. Таъминотда узилишлар бўлгач корхона ишбилармонлари омилкорлик билан иш юритдилар. Мол айирбошлаш ва ўзаро фойдали шартнома асосида ёнилғи олиб келиш усулларини ишга солишди. Шу сабабли ушбу корхонага бириктирилган хўжалик ва ташкилотлар унча тақчиллик сезганлари йўқ.

Корхонада асосан ёшлар меҳнат қилишади. Ўрдабек Орипов бош муҳандис, Абдуқодир Жонгиров эса нефть базаси қошида очилган «Нефтчи» кичик корхонасининг раҳбари. Бу корхона шартнома бўйича Россиянинг Иркутск вилоятидан уч минг тонна, мол айирбошлаш йўл билан Туркманистондан 500 тонна ёнилғи олиб келди.

Дўстлик нефть маҳсулотлари корхонасида ишчиларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда меҳнат қилаётган юздан зиёд ишчи ва хизматчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланяпти. Ёрдамчи хўжалик учун 18 гектар ер ижарага олиниб, сабзавот маҳсулотлари, қовун ва тарвуз етиштирилди. 50 бош қорамол, юз бош қўй боқиляпти. Ўтган йили ёрдамчи хўжалик 300 тонна қовун-тарвуз сотди. Бундан 3—4 йил олдин 2 гектарли боғ барпо этилган эди. Ўтган йили у ҳосилга кирди. Ундан 30 минг сўмлик мева сотилди ва тушган маблағ ишчиларни иқтисодий ҳимоялашга сарфланди. Ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида Дўстлик районидаги 11-давлат хўжалигидан яна 20 гектар ер олинадиган бўлди.

Соҳиб НАЗАР.

# ЭРТАНГИ КАРТОШКА

Кўкламнинг ўрталарига келиб картошка танқислашади. Шу боисдан унинг янги ҳосилини иложи борича барвақт чиқариш муҳимдир. Баҳорда экиладиган навлар эртапишар ва ўртапишар бўлиб, уларнинг соғлом, серҳосил уруғлари одатда июль ойи-август бошларида экилган картошка ҳосилидан олинади. Аммо хўжаликлар бундай қилмасдан, уруғликни бошқа жойлардан — Россия, Белорусь, Болтиқбўйи давлатларидан катта харажат эвазига, қийинчилик билан олиб келадилар.

Республикамиз бўйича жорий йилда экиш учун 20 минг тонна уруғлик картошка тайёрланган. Бу режанинг 20 фоизига тенг. Бунинг устига четдан келтирилгани учун кўпчилигининг навлари ноаниқ. Бинобарин, маҳаллий шароитда уруғлик етиштиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бунда Тошкент Давлат аграр дорилфунуни сабзавотчилик кафедрасида илмий жиҳатдан асосланган янги усулдан фойдаланган маъқул. Унга кўра, уруғликка яроқли туганаклар одатдагидек кузги ҳосилдан эмас, балки ёзги-эртаги (июнда ковланган) картошкадан қолдирилиб, келгуси баҳоргача асралиб экилади. Унинг ўсимлиги жадал ривожланади. Натижада барвақт картошка етиштириш мумкин. Шу тариқа май ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида гектар ҳисобига 15—20 тонна ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун эрта баҳорда экилган (Седов, Приекул ранний, Белорус ранний, Москов каби) тезпишар навларнинг июнда ковланган ҳосилидан уруғликбоп туганаклар ажратилиб, салқин омборларда 30—40 сантиметр қалинликда сақланади. Улар сентябрь, ойида нишлаб кўкара бошлаганида сараланиб, ингичка ва ипсимон ўсимтали туганаклилар истеъмол учун ишлатилади. Йўғон ўсимтали туганаклар, салқин жойда (15—20 сантиметр қалинликда) асралади. Бу ўсимталарни синдирмай экиш ҳосилдорликни кескин оширади. Уруғлик иложи борича барвақт, зич қилиб, 6—8 сантиметр чуқурликка қадалади.

Картошкадан юқори ҳосил етиштириш омилларидан бири экинга азотли ўғитларни бериш муддатларини тўғри белгилашдир. Тажриба кўрсатишича, уларни одатдагидек ўсимликни асосий чопиқдан чиқариб навбатдаги суғориш олдидан эмас, балки экиш вақтида туганаклар остига сочиш ҳамда қийғос майсалашда ишлатиш керак. Бу туплар барқавж ривожланишини, айниш касаллигига чидамлилигини, гуллашга мойилликни, ҳосилдорликни оширади.

Баҳорги уруғлик қадалган майдонда ўсимлик текис майсалагунга қадар бир ярим-икки ҳафта оралатиб БСН-4 сихмоласи билан тупроқни сидирға юмшатиш, қатор ораларини сифатли юмшатиш зарур. Кичик майдонларда экилган картошкани чиринди гўнг билан озиқлантириш майсалашни тезлаштиради, ҳосилдорликни кўпайтиради. Қолган юмушлар одатдагидек давом эттирилади.

**Ҳ. ХОЛИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мева-сабзавотчилик бош бошқармаси бошлиғи.**

**М. МУҲАММЕДОВ,**
**Тошкент Давлат аграр дорилфунуни доценти.**

## Қайта ишлаш корхоналарида



**Комбинатимиз республикадаги энг йирик ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналаридан бири. Бу ерда кунига 120 тонна тозаланган пахта мойи, 50 тонна кир совун ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда жамоамиз қадрдон корхона ишга туширилган куннинг 70 йиллигини нишонладилар. Қовунчи қишлоғида вужудга келган, атиги 8 та мой мижиқлаш машинасига эга бўлган мўъжазгина корхонани ҳозирги энг янги ва серунум қудратли техника билан қуролланган кўп соҳали комбинатга қиёслаб бўлмайди.**

# ЭҲТИЁЖ ВА ИМКОНИЯТ

Эндиликда ёғ-мой комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига кўра соҳа корхоналари орасида етакчи ўринда келаяпти. Шунга қарамай комбинат цехларини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва таъмирлаш, жаҳон маромидаги энг серунум ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган машина ва ускуналар ўрнатиш, янги саноат қувватларини қуриш ва ишга тушириш изчил давом этаяпти.

Кейинги давр ичида корхонада хом ашё, хўжалиги, чигитни тозалаш, қобиқ ажратувчи-сепаратор, вальцовка, форпресс, экстракция цехларидаги эскирган ва ҳозирги талабга жавоб бермайдиган қурилмалар, машина ва ускуналар замонавий турларига алмаштирилди. Форпресс цехи қайта жиҳозланиб иш унуми юқори бўлган МП-68 маркали мойни пресслайдиган агрегат, ўн дона олти қасқонли қозон, ҳамда йигирмата форпресс ўрнатилди. Бу эса цехда кунига 800 тонна чигитни қайта ишлаш имконини берди. 11 минг тонна чигитни сақлаш учун ярим механизациялашган омборхона қурилди. Шу тариқа омборхона ишчилари оғир қўл меҳнатидан озод бўлдилар.

Кейинги даврда амалга оширилган катта ишлардан яна бири қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш ҳисобига тозаланган мой ишлаб чиқариш цехининг қуввати кескин оширилганидир. Корхона маъмурияти мутахассислар маслаҳатини эътиборга олиб бу ерда «Шарплесс» инглиз фирмасида тайёрланган ёғни узлуксиз тозалаб чиқарадиган қурилмани ўрнатишни маъқул топди. Шу тариқа цехда кунига 120 тонна тозаланган мой ишлаб чиқариладиган бўлди. Кунига 14 тонна мойни олтингугурт кислотаси билан тозалайдиган ва дистиллация қиладиган цех ишга тушди.

Эски мой заводидан ҳозирги комбинат ҳудудига кўчирилган 1-совун цехи ҳам ҳар соатда 2 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган бўлди. Эски мой заводи ўрнида эса «Металлопластмасс» корхонаси ташкил қилинди.

Ишлаб чиқариш техникасини янгилаш, уларни замонавий ва серунум дастгоҳлар билан алмаштириш узлуксиз давом этмоқда. Масалан, бундан бироз илгари тозалайдиган цехдаги эскирган қурилмалар ўрнига «тостер»лар ва бензин буғлатгичлар ҳамда дискли фильтрлар ўрнатилган бўлса, совун омбори биносида хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган «АТ-МЛХ» тажриба қурилмаси фойдаланишга топширилди.

Шундай қилиб Янгийўл ёғ-мой комбинати иш қуввати даражасига кўра турдош корхоналар ўртасида республикада етакчи ўринни эгаллади. Ўтган йили режадагидан кўп, яъни 28.412 тонна ёғ, 24,9 минг тонна оқланган ёғ, 14,9 минг тонна совун ишлаб чиқарилгани фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида корхона маъмурияти барча малакали ва тажрибали ишчи ва мутахассисларни сақлаб қолишга эришди. Сирасини айтганда, бу кадрлар бизнинг олтин фондимиздир.

Комбинатимиз кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашда ўзига хос бой тажрибага эга. Бу ерда мураббийлик ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Кекса ишчилар корхонага янги келган ёшларни шогирдликка олиб, уларга ўзларининг касб сирларини ўргатибгина қолмай, ҳаёт тажрибаларидан ҳам сабоқ берадилар.

Комбинатда барча оила аъзолари билан меҳнат қилаётган кишилар кўп. Сирасини айтганда, корхона ташкил топган кундан бери бу ерда ишчиларнинг бир неча авлоди алмашди, бир неча меҳнат сулоласи етишиб чиқди. Чунончи нурчи Ю. Абдужабборовнинг икки ўғли ҳам электр монтёр бўлиб ишламоқда. Ишчи Т. Цибаевнинг фарзандлари Г. Призов токарь, В. Призова эса инженер-химик. Ҳозир қарилик гаштини сураётган Отажон Зоминовнинг оиласидан 8 киши корхонанинг энг фахрли ишчилари бўлиб қолишди. Унинг фарзанди Давлат Зоминов форпресс цехида 22 йилдан бери ишламоқда. Эндиликда у смена бошлиғи. Тажрибали мураббий ўзи билан бирга ишлаётган деярли барча ҳамкасбларига устозлик қилган. Жумладан Абдумалик Муродбоев, ва Рамил Эшматов устоз изидан бориб смена топшириқларини ҳамиша ошириб бажармоқдалар.

Корхона маъмурияти ўз навбатида жамоанинг унумли меҳнат қилишлари ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шароитни яратиб бермоқда. Уларнинг дам олиш кунлари ва таътилларини кўнгилли ўтказишлари мақсадида шаҳар ташқарисида дам олиш уйи қурилди.

Комбинат иккита 180 ўринли болалар боғчасига эга. Бу ерда болаларни боғчага жойлаштириш масаласи тўла ҳал бўлди. 1200 ўринли ўқувчи лагеримизда фақат комбинат ишчи ва ходимларининг фарзандларигина эмас, бошқа корхона жамоаларининг ўғил-қизлари ҳам ҳар йили ёзни кўнгилли ўтказадилар. Шунингдек, бизда уй-жой муаммоси ҳам изчиллик билан ҳал этилмоқда. Кейинги икки йил ичида 40 хонадонга мўлжалланган уй ўз эгаларига топширилди. Биз уй-жой қуришни бундан кейин ҳам изчил давом эттиришни мўлжаллаяпмиз. Цехларни техника билан қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш бинолари ҳамда уй-жойлар қуриш ишлари комбинатнинг хўжалик ва пудрат усулида олган даромади ҳисобига бажарилаяпти. Ўтган йили ободонлаштириш ва қурилиш ишларига 6 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган эди. Бу йил бундан ҳам кўпроқ маблағ ажратилди.

Комбинатнинг ўз ёрдамчи хўжалиги бор. Бу ерда 200 бош қорамол, 100 бош қўй боқилмоқда. Ҳар бир ишчи ва ходимни ёрдамчи хўжалик ҳисобидан арзон баҳода гўшт билан таъминлаяпмиз.

Ёғ-мой комбинати бу йил 17,3 минг тонна оқланган ёғ, 17,6 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқаради. Режаларнинг бажарилиши кейинги даврда вужудга келган ва изчил ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммоларнинг ечилишига боғланиб қолди. Кейинги пайтларда иқтисодий танглик сабабли бундай муаммолар кўпайиб бораяпти. Бунга МДҲдаги таъминотчи корхоналар билан иқтисодий алоқаларининг бузилаётгани сабаб бўлмоқда. Нарх келишмовчилиги оқибатида Саян химия заводи ўтган йили шартномада белгиланган миқдордан 483 тонна натрий ишқорини кам юборди. Шунингдек, синтетик ёғ кислотасини ҳам етарли миқдорда ололганимиз йўқ. Стерлитомоқдаги «Сода» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам шартнома шартларига хилоф тарзда 160 тонна хом ашёни юбормади. Омск ва Уфа нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳам тузилган шартномани тез-тез бузмоқдалар.

Корхонамиз жамоаси хом ашё таъминотидаги узилишларга барҳам бериш мақсадида ҳар томонлама изланмоқда. Аминмизки, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарасини беради. Биз ҳар қандай шароитда ҳам белгиланган режаларнинг бажарилишига албатта, эришамиз.

**Маҳаматжон ХУДОЁРОВ,**
**Янгийўл ёғ-мой комбинати директори, Ўзбекистон республикаси халқ депутати.**

**СУРАТДА:** комбинат директори М. Худоёров ишчилар билан суҳбатлашаяпти.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

# РАВОН ЙЎЛ

Яқинда Тўрткўл шаҳридан Нукусга боришга тўғри келди. Кафтдек текис асфальт йўлда машиналар қатнови тинмайди. Пахта, қувур, ёғоч юклаган қудратли «КАМаз»лар, катта-кичик ҳар хил енгил машиналар, автобуслар.

— Энг серқатнов йўл бўлиб қолди бу трасса, — дейди ҳамроҳим Дўстжонбой «Волга»ни моҳирлик билан бошқариб бораркан. — Ҳозир Қорақалпоғистондаги деярли барча йўлларга асфальт ётқизилган. Олдин икки-уч кунда бориб келинадиган манзилдан энди бир кунда қайтиш мумкин.

Илгари Қорақалпоғистоннинг тупроғи билқиллаган, бир машина ўтса чанги бурқиб алламаҳалгача ер-кўкни тутиб ётадиган йўлларидан кўп юрганман. Ўшандан бери 20—25 йиллар чамаси вақт ўтди. Қисқа давр мобайнида шунча ўзгаришлар содир бўлибди. Хўш, яқиндагина йўловчилар тупроқли йўллардан қатнашган бўлишса, бу ерга биринчи автомашиналар олиб келинган пайтдаги аҳвол қандай бўлган экан? Йўл-йўлакай пайдо бўлган мана шу саволга Нукус шаҳрида жавоб топишга ҳаракат қилдик. Тошкентга қайтгач, республика идорасида шу ишга алоқадор мутахассислар билан суҳбатлашдим, турли хил тарихий маълумотлар билан танишишга тўғри келди.

Тармоқ республика идораси қошидаги «Мадина» реклама-ахборот хизмати фирмаси ходимларининг айтишича бундан 65 йил олдин Қорақалпоғистон йўлларидан биринчи бўлиб Францияда ишлаб чиқарилган, Африка саҳролари учун мослаштирилган «Рено — Саҳрои Кабр» автомобили юрган экан. Ўша пайтда Чимбой— Қизил Ўрда оралиғидаги йўл қурилаётган эди. Орадан ўн йил ўтгандан кейин эса бу ўлка ҳаётида катта воқеа саналган «Қорақалпоқтранс» бошқармаси тузилди. Бу идора ҳозир ҳам ишлаб турганлиги диққатга сазовор.

Қорақалпоғистонда биринчи автобус йўналиши ўша машҳур қурилишда — «Рено—Саҳрои Кабр» автомобили ишлатилган Чимбой билан Қизил Ўрда шаҳарларини бир-бирлари билан боғлаган йўлда очилганди. 580 километр узунликдаги трасса бўйлаб саккизта автобус қатнай бошлаган. Сувсиз саҳро ва даштлар оралаб ўтган бу йўлнинг ёқасида ўн жойда қудуқлар қазилиб, уларнинг ёнига назоратчилар яшайдиган кигиз ўтовлар ўрнатилган, юк машиналарида автобуслар учун ёнилғи ташиб келтирилган.

Қорақалпоғистонда яна бир автобус йўналиши 1936 йилда Тўрткўл билан Нукус оралиғида очилганди. Унда йўловчиларга иккита автобус хизмат кўрсатган. Улуғ Ватан уруши давригача бу ўлкада автобуслар қатнайдиган ўн тўртта йўналиш ишлай бошлади.

Ҳозир «Қорақалпоқтранс» таркибида 16 та юк ва учта кичик автокорхона бор. Улар йилига 16 миллион тонна юкни ташиб бермоқда.

Эндиликда Қорақалпоғистонда 220 та автобус йўналиши бўйича 85 миллион йўловчи манзилларига етказилаётир. Шаҳар ва қишлоқларнинг 90 фоиз қисмида яшайдиган аҳоли автобуслар хизматидан баҳраманд. Нукус, Тўрткўл, Беруний, Чимбой ва бошқа шаҳарларда саккизта йирик автовокзал ҳамда олтита автостанция ишлаб турибди.

Йўл— шу ҳududнинг кўзгуси. Автомобилчилар орасида «Бирор мамлакатнинг иқтисодий ва маданий аҳволини билмоқчи бўлсанг энг аввало унинг йўлларидан юриб кўр», деган гап бор. Агар ана шу гапга амал қилиб хулоса чиқарилгудек бўлса, Қорақалпоғистон иқтисоди ривожланиб бораётганини ҳис этасиз.

Р. ҚОДИРОВ.

